

Куролли кучлар буняча
тўрт карра жаҳон чемпио-
ни, Европа Кубоғи соврин-
лори, жаҳонга инновация




ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Ислом КАРИМОВ:
...Қонунга итоат қилиш... бу ҳуқуқий давлат
барпо этишнинг зарур шартидир. Қонулларга

барча барабар рия этишини таъминлаш, қонун
ҳаётимизнинг ҳар қайси соҳасида қарор топти-
ришига ҳаммамиз интилишимиз зарур.

ИЛК САМАРАЛАР

жиноий иш ҳам ҳозир тер-
говда.
Халқ ризқ-рузи, меъёр-
ланган миқдорда берилаёт-
ган шакар маҳсулотига кўз



МИРЗО Улугбек тумани
ички ишлар бошқармаси со-
дир бўлиш аҳтимоли бўлган
жиноятларнинг олдини олиш-
га алоҳида эътибор бериш-
ти. Содир бўлаётган барча
турдаги жиноятларга қар-
ши изчил кураш олиб бори-
ляпти. Иккони борица жи-
ноятларни ўз вақтида очиб,
туман ҳудудида жамоат тар-
тибини мустаҳкамлашга кат-
та ҳисса қўшмоқда. Ички
ишлар бошқармасининг бар-
ча хизмат турлари: жиноят-
қидирув, жамоат тартиби,
иқтисодий соҳасидаги жи-
ноятчиликка қарши тежор
кураш, паспорт қондалари,
жиноятчиликнинг олдини
олиш махсус бўлимлари ўз-
вий ҳамкорликда иш олиб
бормоқда. Ички ишлар
бошқармаси қосида туман
ҳокимиятининг яқиндан бер-
ган ёрдами билан ташкил
этилган муниципал мили-
ция ҳам жиноятчиликка
қарши курашда самарали
фаолият кўрсатаёти.

Муниципал милиция ўз
тартибиди давлат аҳолио-
бил нazorати, соқчили
хизмати, пост соқчилиги на-
би хизматлари бериштири-
ган. Туман ҳокимияти та-
шабууси ва кўмаги билан
қўшгина олис ва аҳоли зич
йиловчи жойларда доимий
ишловчи жамоат тартибини
сақлаш таянч манзиллари.
Трактор заводи 1, 2, 3, 4
мавзёлари, Феруза, Хумо-
ю, Аҳмад Юнакий каби
мавзёларида, айрим трамвай-
тролейбус, автобус бекат-
ларида 15-та қўшмача пост-
лар ташкил тоиди. Шунинг
алоҳида таъкидлаш керак-
ки, жиноятчиликка қарши
курашга киришган туман
ҳокимиятининг яқиндан берган
кўмаги билан аҳоли зич
йашаётган Қорасув 1—6
дахалари марказида туман
ички ишлар бошқармаси-
нинг алоҳида бўлими таш-
кил этилди. Бунинг учун
18 нахонадан иборат бино бе-
рилди. Бўлим телефон, ра-
дио алоқаси, навбатчи авто-
мобиллар, доимий навбатчи
ходимлар, терговчи, 4 ма-
лакали эксперт, даҳа участ-

на назоратчиси билан таъ-
минланди. Шу қўрилган теж-
ор чора-тадбирлар туфай-
ли бу ерда жиноятлар со-
дир бўлиши камайди. Қў-
шгина иқтисодий, безорилик,
ўғирлик каби жиноятлар-
ни содир этган жиноятчи тў-
далар қўлга олинди.
Шу йилининг 4 ойи даво-
мида жиноятчилик ўтган
йилининг 4 ойига нисбатан
13 фоиз камайди, жиноят-
ларни ўз вақтида очиб 13,1
фоизга кўпайди.
Туман ички ишлар бош-
қармасига аҳолидан келадиган
қўшгина ташвакурномалар
эл олдидаги хизмат
бурчларини сидқидилдан ҳа-
лол адо этиб, халқ оосийчи-
талиги, корхоналар моддий
бойлиги ҳамда жамоат, фу-
қаролар мулкни сақлаётган
Улугбек даҳаси участка
бошлигини майор Х. Аъзамов,
Қорасувдаги бўлим бошли-
ғи майор Б. Ўсарбоев, май-

ор З. Зайниддинов, трактор
заводи катта участка назо-
ратчиси майор Н. Тоқиев
ва бошқалар номига йўл-
ланди.
Туман ҳудудида кейинги
вақтларда катта қийматдаги
хом ашё, эҳтиёт қисмлар,
тайёр маҳсулотларни ўғир-
лаб юрган, Ўзбекистон Рес-
публикасининг иқтисодий
моялигини мустайликланти
зарар етказган жиноятчи тў-
далар қўлга олинди. Мана
шундай жиноятчилар тўдаси
Тошкент трактор заводидаги
турли марказдаги тайёр
тракторлар, юк ташувчи
камаларини ўғирлаш билан
шугулланганлар. Бу тўда
устидан ҳозир аэрофотча
тергов ҳаракатлари бошлан-
ган. Вундан ташқари жаҳон
бозорида катта қийматга эга
бўлган нодир маъдан мис-
ни мунтазам катта миқдор-
да ўғирлаб келган фирби-
гарлар ҳам ушланди. Бу

олайтирганлар ҳам учраб
турибди. 9 тоннадан зиёд
шакарни яширинча сотиб,
1,5 миллион соф фойда қў-
ришга эришган 2 чайков-
чи ҳам ҳисоба олинди.
Юқоридаги барча оғир ва
йирин иқтисодий жиноятлар
бўйича шаҳар, туман про-
кураторларининг ижозат
тасдиғи билан тергов гу-
шаи билан, у жиноий ишлар
халқ судига оширилди.
Шак-шубҳа йўқки, жиноят-
чилар жазосиз қолмайди.
Мирзо Улугбек тумани ҳу-
дудидаги жиноятчиликка
қарши курашда эришилган
бунгунги самаралар бунга
яққол мисолдир.
Малик НУРИДИНОВ.
СУРАТДА: Тошкент тра-
ктор заводи бекатидаги жа-
моат тартибини сақлаш ма-
нзилида профилактик текш-
ирув пайти. Муаллиф сура-
ти.

ФИРИБАРЛАР ҳақида жуда кўп ёзилган. Уларнинг қил-
мишлари ҳақида аҳоли орасида доимо гапирилади. Лекин
шундай бўлсада, орамида Фирибарларнинг тузоғига
осонгина тушадиган лақма шахслар тез-тез учраб тури-
ркан.
Шуҳрат Юсупов гарчи Қорақалпоғистондаги тайёрлов
базаларидан бирида ишчи бўлиб хизмат қилсада, асли
хоразмлик. Тез-тез сафарда бўлиб туради. Ана шундай
сефаридадан бирида йўли Чирчиқ томонларга тушиб қол-
ди-ю Тошкентдаги «Шифокор» маҳмонхонасига ахшилаб
жойлашиб олган, ҳийла-найрангларини ишга солишга ки-
ришиб кетди.
Тошкент шифокорлар малякасини ошириш институтига
дўстини ахтариб борганида шифокор Роза Азизметова билан
танишиб қолди. Авазига қиздан оила аъзолари ҳақидаги
маълумотларни киши билмас сурштириб аниқлаб олган,
кўп вақт ўтмай ўзини унинг уқиси билан қадардон дўст
эканликларини гап орасида қистириб ўтди.

* Фирибар ва лақмалар «ВАЪДА»ГА ИШОНИБ

Қуларнинг бирида у яна Роза яшайдиган ётоқхонага ке-
лади-да, эртага уйга кетаётгани, мабодо оила аъзоларига
бирор нарса бериб юбориши ниятида бўлса бажониди олиб
бориб беришини айтиди.
Роза ҳам Шуҳратнинг ҳамюрти бўлгани, қолаверса, ўка-
сининг дўсти эканлигини (ҳар қалай йигит ўзини шундай
деб таништирганди) ҳисобга олиб ҳеч иккиланмай гилам ва
теббетга оид нобб китобларини (кейинчалик терговда
аниқланишча ҳар иккинсининг умумий баҳоси 48 минг сўм
экан) ўраб беради. Шуҳрат шаҳрига қайтишни ҳаёлига ҳам
келтирмасди, у гиламини таниши Константин Кимга совға
қилди, китобларни эса Ҳамза тумани Испания қўчасида-
ги 59-ўйда яшовчи ошмасиникига олиб бориб қўлди.

Бир неча кун ўтказиб яна Розанинг олдида бажониди
нарсаларини бошиме бировдан бериб юборгани, ўзи эса Чир-
чиқдаги корхоналарнинг бири билан шертнома тузгани,
уларга 100 минг сўм ўтказиб келадигани ҳақида ҳикоя қи-
либ беради.
Шу кунги суҳбат орасида Розадан 5 минг сўм қарз сўрай-
ди, эртасига келиб яна 2 минг сўм олиб кетади. Қиз ҳам
уқсининг ҳурмати учун уни илтимосини ерда қол-
дирмади.
Лекин шунинг қизикки, бу борада Шуҳрат Юсупов ўз
тузоғини яна бир неча лақма кишиларни илтифоти-
га муваффақ бўлган экан. Ётоқхонага келиб-кетиб юрганида у
киши шу ерда яшайотган Янгива ва Гиримовларга ўзини сав-
до базасида таъминотчи дея таништириб видеомагнитофон
олиб беришга ваъда бериб, ҳар икковидан жами 12 минг
сўм олган экан.

Шуҳрат Юсупов ҳийла-найранг билан топган пулларини
сарфлаб юрган пайтида Роза Азизметова уйдигилари бил-
ан болганиб алданганини билиб қолади. Кўп ўтмай видео-
магнитофон ишқибозлари ҳам катта миқдордаги пулни ҳа-
вога совурганларини сезиб қоладилар. Хуллас, уларнинг
барчаси Шуҳратнинг яна бир бор қадим ранкида қилиши
ни интизор бўлиб кута бошладилар. Ниҳоят Фирибар
ётоқхонада пайдо бўлди, улар худлик билан Мирзо Улугбек
тумани ИИБга хабар беришди.
Бу сафар Шуҳрат Юсуповнинг Фирибарларни қонун ол-
дида қучмаслик қилди.

Ортық МАҲМАДУСУПОВ.

БЕХАВОТИР ЯШАЙ ДЕСАНГИЗ...

АЙРИМ енгил фойданинг
кетидан қувандиган, текитно-
моқ, бебурд шахслар ҳозир-
га қийин иқтисодий шароитда
ҳалол меҳнат билан кун ке-
чириб келадиган меҳнат-
каш инсонларнинг мол-мул-
кини тажовуз қилиш эвазига
йашашга ружۇ қўйганлари
шар эмас. Айниқса, бундай
ҳолларнинг меҳр-оқибат, ўза-
ро муносабатлар мустаҳкам
бўлган маҳаллалардан кўра
кўп қаватли уйларидаги
хонадонларда содир бўлаёт-
гани кишини ташвишлантира-
ди. Халқимизда, қўшнинг
тинч — сен тинч, деган нақл
бор. Кейинги пайтларда со-
дир этилаётган ўғирлик ҳо-
дисалари, ҳатто эгаси бўл-
ган хонадонларга бостириб
кириш ҳолатларининг томи-
рини қириш учун девор-
ларимен яшаётган одамлар
доимо бир-бирларининг ҳол-

ларидан хабардор бўлиб тур-
моқлари мақсадга мувофиқ-
дир. Албатта шу билан бир-
га ўз халқимизнинг таъ-
минлигини эътибордан соқит
этимасликлари. Масалан, баъ-
зи бир хонадон эгалари уй-
ларини ёлғиз қолдириб бир
неча ҳафтадан хизмат сафа-
рида ёхуд дам олишга кетиб
қоладилар. Тартибини сақлаш
хизматларининг кўп йиллик
тажрибаси шунини исботлай-
дики, бундай узоқ муддатда
ёлғиз қолдирилган хона-
донлардан жиноятчилар тез
хабар топадилар.
Наҳаят узоқ муддатда
сафарга кетадиган чоғин-
да, умуман бошқа пайтлар-
да ҳам беҳавотир яшай де-
сангиз ўз таъминотидаги ич-
ки ишлар бўлимлари қоси-
даги марказлашган пул-
тигализация қўрилган хиз-
мати кўмагига таялишингиз

мумкин. Бунинг учун сиз те-
лефонингизни ана шу сим-
ларга улаштириш керак. Ма-
бодо телефонингиз йўқ бўл-
са, қўшнингизникидан фой-
даланишингиз ҳам мумкин.

Милиция ходимларининг
сонини қанчалар кўп, фаолият
дорисини кенг бўлмасин жа-
моатчиликнинг ердасиниз
жиноятчиликнинг томирига
аёвсиз зарба бериш иккони-
га эга эмаслар.
Ҳар бириниз қучимиз аҳли-
ликда, биринда эканини
ҳис этишимиз, шундангина
беҳавотир, тинч-тотув яша-
шимиз, меҳнат қилишимиз
мумкинлигини унутмасли-
гимиз лозим.

Абдулла ТОЛИПОВ,
Шайхонтоҳур тумани ич-
ки ишлар бошқармаси
қосидаги соқчилик хиз-
мати бўлими ходими.



Чилонзор тумани Ич-
ки ишлар бошқармаси-
нинг иқтисодий соҳа-
сидаги жиноятларга қар-
ши кураш бўлимининг
катта тежор вакили,
милиция майори Рустам
Мирсатов чайковчи-
лардан мусодара этил-
ган молларни қўздан
кечирмоқда.
Ҳабибулла Шодиев
сура-
ти.

Муҳаррир
Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪДОМАЛАР

“ШАРК”

НАШРИЁТ - МАТБАА КОНЦЕРНИ

- матбаа ускуналарини соловчилар,
 - электр монтерлар, электр монтажчилар,
 - компрессорчи,
 - матбаачилар, муқовасозларни
- ишбай-мукофотли меҳнат хақи тўланадиган
2 ва 3 оменали ишга

таклиф этади

Қуйидаги манзилга муножаат қилинсин:
Буюк Турон кўчаси, 41- уй,
расмийлаштириш бўлими.
Телефон 33-80-83

ҲУРМАТЛИ ҚИЗЛАР ВА ЙИГИТЛАР!

АГАР СИЗ ТИКУВЧИ, ТУҚУВЧИ, ИП ЙИГИРУВ-
ЧИ КАСБЛАРИНИ ЭҒАЛЛАМОҚЧИ БУЛСАНГИЗ, ХО-
ТИН-ҚИЗЛАР МОДАЛИ КИЙИМЛАРИНИ ВИЧИШ ВА
ТИКИШ, КИЙИМЛАРИНИ КОНСТРУКЦИЯЛАШ, МО-
ДЕЛЛАШТИРИШ ВА МАШИНАДА КАШТА ТИКИШ
СИРЛАРИНИ ЭҒАЛЛАМОҚЧИ БУЛСАНГИЗ

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигининг
РЕСПУБЛИКА УҚУВ-ИШЛАВ ЧИҚАРИШ
МАРКАЗИГА

ЎҚИШГА КИРИНГ

Фақат биздаги пуллик курслар қуйидаги мутахассис-
ларни тайёрлайди: конструктор — моделерлар, хотин-
қизлар модали кийимларини тикувчи усталар, машинада
бадийи кашта тикиш ва замонавий трикотаж тикиш уску-
налариди кўп йўналишда тўқувчилар.

Ўсириллар учун қулай шароит бор — улар табиий чар-
га ишлов бериш ва буюмлар тикиш мутахассислигини ўр-
ганишлари мумкин.

ЎЗ ИМКОНИЯТИНГИЗНИ БОИ БЕРМАНГ!
Ўқишга 9 ва 11-синфларни тугатган қизлар қабул қи-
линади.

9-синфин битирган қизлар 3 йил ўқийдилар. Улар дав-
лат таъминотида бўладилар ҳамда ҳар ойда 3 минг 200
сўм овуқт пули оладилар.

11-синфин битирган қизларга ҳар ойда 1 минг 300 сўм-
дан ортық стипендия берилади.

Уқув-ишлаб чиқариш марказини битирганлар эгалла-
ган касби бўйича малака раёзиди бериладиган тўғрисида
диплом ва ўрта маълумот оладилар.

Улар шприклар, ижара, ҳўналик ҳисобиди ва қўш-
ма, корхоналарда ишлаш имкониятига эга бўладилар.
Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари ло-
зим: Уқув-ишлаб чиқариш маркази бош раҳбари номига
ариза, тўғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, ўрта маълум-
от тўғрисидаги аттестат, турар жойидан маълумотнома,
6 донга фотосурат (3х4), таянган касби бўйича шуғулла-
ниши мумкинлиги ёзиб кўрсатилган тиббий маълумотно-
ма (086/У).

Манзилдоҳимиз: Тошкент шаҳри, Мирқоиллов кўчаси,
68-уй, (38, 58, 67-автотўслар; 4, 7, 9, 24, 26-трамвайлар;
13, 15, 16-тролейбусларнинг «Бобур боғи» бекати).
Телефонлар: 55-78-28, 55-78-30.



«ЎҚИМАЧИЛИК

КОМБИНАТИ»

ТОШКЕНТ ИП-ГАЗЛАМА

ИШЛАВ ЧИҚАРИШ

ВИРЛАШМАСИ

ҚОШИДАГИ

ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ҚАЙД ҚИЛИНГАН 18
ЕШГАЧА БУЛГАН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИ
ТУҚУВЧИ, ИП ЙИГИРУВЧИ, ТАРОҚЛАШ, АЙЛАНТИРИШ,
ПИШТИРИШ, УРАШ УСКУНАЛАРИНИНГ ОПЕРАТОРИ

Иттиқосликларни бўйича

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқини муддати — 4 ойдан 8 ойгача.
Маълумотлар — ҳар ойнинг 15 ва 30-кунда бошла-
нади.

Ўқини 1- ва 2-ойда 4000 сўм, 3- ва 4-ойда 2800
сўм, қолган ойларида — 1200 сўм ва 100 фоиз иш ҳақи
қўшиб толанади.

Дарсларни яхши ўзлаштирган ва намунали хулқ-атвор-
га эга бўлган талабаларга стипендияга қўшимча равишда
100 фоиз мукофот пули толанади.

Уқувчиларга ҳар бир иш, ўқини кунига 50 сўмлик ов-
қат талонлари берилади.

Вирлашма ишчиларининг ойлик иш ҳақи 15000 сўмдан
30000 сўмгача боради.

Маъмурият ишчилар ва ўқувчилар учун қулай икти-
мой шарт-шароитларни яратиб берган. Бизнинг комби-
натимиз мустақил бир шахарча бўлиб, унда ҳамма-ҳамма
нарсалар мўҳайе. Масалан, тиббий-санитария қисми, по-
ликлиника, сийхаттоҳ (профилакторий), спорт комплекси,
Мадаини саройи, ошхоналар, сабзавот ва озиқ-овиқат дў-
конлари, буг ҳаммоми, пардоз-андоз (парварши) салони-
лари, саргаршононалари бўлган маъиш комплекслар мав-
жуд. Комбинатда танис моллар, озиқ-овиқат маҳсулотла-
ри соқланади. Тошкент денгизда ва тоғ ён бағрида катта-
лар ва болалар учун дам олиш масканларини бора.

Биз Сизларни қуйидаги манзилда кутамиз: Тошкент
шаҳри, Якасарой тумани, А. Қаҳҳор кўчаси, 34-уй (2,
57, 80-автотўслар; 17, 25-маршрутли таксининг «Би-
лим юрти» бекати).
Маълумотлар олиш учун телефонлар: 55-44-85,
55-44-86.

«ЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ» ТОШКЕНТ
ИП-ГАЗЛАМА ИШЛАВ ЧИҚАРИШ ВИРЛАШ-
МАСИ.

ПЕНСИОНЕРЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЮНУСОВОД ТУМАНИ ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ
БЎЛИМИ

ЯНГИ ВИНОГА КЎЧИВ ЎТДИ

Манзилдоҳимиз: Муртазоёв кўчаси, 4-а уй (2, 16, 22,
25, 28, 29-трамвайлар; 9, 19, 24, 51, 60, 67, 72, 91, 156-
автотўсларнинг «Нозогистон» кинотеатри бекати).

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳокимлик Котибиятининг
бошлиғи А. В. Гончаровага отаси
Владимир Альбинович ПЯТНИЦКИЙнинг
вафот этганини муносабати билан чуқур ҳамдардлик
ишор этиди.

МУАССИСЛАР:
Халқ депутатлари Тошкент
шаҳар Кенгаши ва
«Тошкент оқшоми»
журналистларининг жамоаси

Тошкент оқшоми

Газета Ўзбекистон Респу-
бликаси Давлат матбуот ко-
митетида рўйхатга олинган.
Рўйхат сон — 000101.

Шанба ва яшанбадан
ташқари ҳар кун ўзбек
тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 33-29-70;
эълон ва тижорат
хабарларини жойлаштириш
масалалари бўйича
32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат
хабарлари аниқ ва
тўғриллиги учун
жавобгарлиги уларни
берган таъинлот ва
шахслар зиммасидадир.

МАНЗИЛДОҲИМИЗ: 700000, ГСП,
Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.
Буюртма Г-120, 19899 нусхада
босилди, ҳажми — 2 босма табақ. Офсет
усулида босилган. Қўлға бичими А—2.
Нашр кўрсаткичи 64690.